

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/28.02.2022.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**АҲТАМОВА МОҲИГУЛ ЭРКИНОВНА**

**ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ  
(Самарқанд вилояти маълумоти асосида)**

**08.00.17 - Туризм ва меҳмонхона фаолияти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
in economic sciences**

**Аҳтамова Мохигул Эркиновна**

Экологик туризмни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг  
иқтисодий асослари (Самарқанд вилояти маълумоти асосида) ..... 3

**Ахтамова Мохигул Эркиновна**

Экономические основы развития и повышения эффективности  
экологического туризма (на основе данных Самаркандской области) ..... 25

**Ahtamova Mohigul Erkinovna**

Economic foundations of the development and efficiency of ecological tourism  
(based on the information of the Samarkand region)..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 51

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/28.02.2022.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**АҲТАМОВА МОҲИГУЛ ЭРКИНОВНА**

**ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ  
(Самарқанд вилояти маълумоти асосида)**

**08.00.17 - Туризм ва меҳмонхона фаолияти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Iqt1153 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.sies.uz](http://www.sies.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мирзаев Кулмамаат Джанзакович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Эргашев Рахматилло Хидирович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Ахроров Фарход Бахриддинович**  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/28.02.2022.I.18.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 17 декабрь куни соат 9<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел: (99866) 233-38-72; Факс: (99866) 231-12-53, e-mail: [sies\\_info@edu.uz](mailto:sies_info@edu.uz).

Диссертация иши билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (047 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (99866) 233-38-72; Факс: (99866) 231-12-53, e-mail: [sies\\_info@edu.uz](mailto:sies_info@edu.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил 2 декабрь куни тарқатилди (2022 йил 2 декабрдаги 11-рақамли реестр баённомаси).

**М.Э.Ўлатов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Ш.О.Кувандиков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш котиби, и.ф.д., доцент

**М.М.Мухаммедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон мамлакатларида миллий иқтисодий ва барқарор тараққиёт тенденциялари асосида ривожлантиришда туризм салоҳиятидан муҳим ижтимоий, иқтисодий ва маданий омил сифатида фойдаланилмоқда. Туризмнинг таркибий қисми бўлган экотуризм бугун туризм бозорининг барқарор ривожланишида янги ишчи ўринларини яратишга ва унга турдош бўлган тармоқлар тараққиёти ҳамда соҳада юқори даромад олинишга имконият яратмоқда. Бутунжаҳон туризм ташкилотининг маълумотларига кўра, «2021 йилда экотуризмдан олинган даромад 185,87 млрд. АҚШ долларидан иборат бўлиб, 2027 йилга келиб 333,8 млрд. АҚШ долларига етиши кутилмоқда, экотуризмлар сони эса 38,9 млн. кишидан 71,6 млн. кишига ортади»<sup>1</sup>. Бундан кўринадики, экотуризм туристик-рекреацион ресурслар самарадорлигини оширишга, табиатни асраш ва муҳофаза қилишга, маҳаллий аҳоли фаровонлигини оширишга салмоқли ҳисса қўшади.

Жаҳонда глобал рақобатнинг кучайиб бориши шароитида экологик туризмни ривожлантиришнинг услубий асосларини такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик туризмнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, экологик туризм хизматини кўрсатишнинг ривожланиш тенденциялари, ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришга, соҳанинг ривожланишига таъсир этувчи омилларни баҳолашга, шунингдек, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига мос кластер моделларини ишлаб чиқиш, туризмнинг атроф-муҳитга таъсирини аниқлаш, табиат ва туризм ўртасидаги мувозанатни сақлаш, экотуризмни ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш каби йўналишлардаги тадқиқотларга устувор даражада аҳамият берилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этишда экотуризм соҳасида вужудга келаётган муаммоли ҳолатларни бартараф этиш борасида давлат томонидан бир қатор устувор вазифалар белгиланган. Хусусан, Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясининг учинчи устувор йўналишида «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг» дастури доирасида “маҳаллий сайёҳлар сонини 12 млн. нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 млн. нафарга етказиш”<sup>2</sup> вазифаси белгиланган. Мазкур вазифанинг бажарилиши мамлакатда экологик туризм соҳасини барқарор ривожлантиришнинг ички имкониятларини чуқур тадқиқ этиш, соҳанинг фаолият самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш ва натижада ташриф буюраётган туристлар оқимини кўпайтириш ҳисобига миллий экотуризм тизимини шакллантириш асосида ҳудудларнинг улкан экологик туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш

<sup>1</sup> <https://www.alliedmarketresearch.com/eco-tourism-market>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

бўйича илмий тадқиқотларга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда. Шу тўғрисида экологик туризмни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб мавзу ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сон «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида», 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 декабрдаги 978-сон «Экотуризмни ривожлантириш ва сув омборларининг сув муҳофазаси зоналари доирасидан ер участкаларини бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 11 июндаги 484-сон «2019-2028 йилларда Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 30 сентябрдаги 828-сон «Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Экологик туризмни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг иқтисодий асослари билан боғлиқ назарий-услубий масалалар бўйича иқтисодиёт соҳасидаги хорижлик олимлар<sup>3</sup>, жумладан Гектор Цебаллос-Ласкурейн, К.Зиффер, Д.А.Феннелл, К.Линдберг, Д.Хокинг, Д.Б.Вивер, Л.Ж.Лавтон, Г.П.Дуглас, Э.Холден, Л.Роберт, Марта Хоней томонидан илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Экологик туризмнинг илмий-назарий моҳияти, ривожланиши ва самарадорлигининг назарий ва амалий масалалари, истиқболлари ва ҳозирги ҳолатининг назарий-методологик жиҳатлари МДҲ мамлакатларининг

---

<sup>3</sup> Ceballos-Lascurain H. (1987) Estudio de Prefactibilidad Socioeconomica del Turismo Ecologico y Anteproyecto Arquitectonico y Urbanostico de Centro de Turismo Ecologico de la Reserva de la Biostera Sian Ka'an, Quintana Roo. Mexico: Study made for SEDUE Mexico; Karen A. Ziffer Ecotourism: The Uneasy Alliance. 1989; Fennell D. A. (2001) A Content Analysis of Ecotourism Definitions. Current Issues in Tourism, 4(5), 403-421. doi: 10.1080/13683500108667896.; Lindberg K. & Hawking D. (1993) Ecotourism: A Guide for Planners and Managers. Vol.1. The Ecotourism Society, North Bennington ; Weaver, D. B. & Lawton, L. J. (2007) Twenty years on: The state of contemporary ecotourism research. Tourism Management, 28(5), 1168-1179. doi: 10.1016/j.tourman.2007.03.04.; Douglas G. Pearce. Tourist Organizations, Longman Scientific & Technical, 1992, 219 p.; Wiesiaw Alejziak, Andrew Holden. «Environment and Tourism», 3-d edition published 2016, 271 p. Environmental Restoration and Design for Recreation and Ecotourism: Robert L. France, November 16, 2011 by CRC Press, 312 Pages.; Ecotourism and Sustainable Development Dr. Martha Honey, Island Press; 2 edition (August , 2008), 568 p.

Г.С.Гужин, М.Ю.Беликов, Е.В.Клименко, М.Б.Биржаков, А.В.Дроздов, Т.К.Сергеева, И.В.Зорин, В.С.Боголюбов, В.П.Орловская, А.Дурович, Н.И.Кабушкин, В.А.Квартальнов, В.С.Сенин, Т.Т.Христов, А.Д.Чудновский, В.Г.Федцов каби олимлари<sup>4</sup> томонидан тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда туризм соҳасини, шу жумладан, экологик туризмни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишга оид масалалар Н.Т.Тухлиев, И.С.Тухлиев, М.Қ.Пардаев, М.Э.Пўлатов, М.М.Мухаммедов, Б.Н.Наврўз-зода, Қ.Ж.Мирзаев, Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, М.А.Ҳошимов, О.Ҳ.Ҳамидов, Б.Ш.Сафаров, А.Алымов, А.А.Эштаев, Н.Э.Ибадуллаев каби иқтисодчи олимларнинг<sup>5</sup> илмий тадқиқот ишларида кўриб чиқилган.

Юқорида келтирилган илмий ишлар таҳлили асосида шуни таъкидлаш зарурки, бозор иқтисодиётни модернизациялаш шароитида туризмни ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари ва устувор йўналишлари етарлича ўрганилмаганлиги мазкур илмий тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Иқтисодиётни модернизациялаш ва инновацияни жорий қилиш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари лойиҳаси доирасида бажарилган.

<sup>4</sup> Гужин Г.С., Беликов М.Ю., Клименко Е.В. Менеджмент в иностранном и внутреннем туризме. - Краснодар: Изд-во Кубанского государственного университета, 1997.; М.Б.Биржаков. Введение в туризм. Учебник. — Издание 8-е, переработанное и дополненное. — СПб.: Герда, 2006. — 512 с.; А.В.Дроздов. Основы экологического туризма. М.: Гардарики, 2005. — 271 с.; Т.К.Сергеева. Экологический туризм. М.: Финансы и статистика, 2014. — 360 с.; Зорин И.В. Менеджмент туризма: Туризм как вид деятельности. - М.: Издательство: Финансы и статистика, 2005. – 288 с.; Боголюбов В.С., Орловская В.П. Экономика туризма.- М.: Издательский центр «Академия», 2005. – 151 с.; Дурович А.П. Маркетинговые исследования в туризме: учебное пособие. - СПб.: Питер, 2008. – 384 с.; Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма. - Минск: Новое знание, 2002. – 407 с.; Квартальнов В.А. Туризм: учебник. - М.: Финансы и статистика, 2003. – 320 с.; Сенин В.С. Организация международного туризма. - М.: Финансы и статистика, 2004. – 379 с.; Христов Т.Т. Религиозный туризм: учеб. пособ. - 3-е изд., испр. - М.: Издательский центр «Академия», 2007. – 288 с.; Чудновский А.Д. Управление индустрией туризма России в современных условиях: учеб. пособ. - М.: КНОРУС, 2007.– 416 с. Федцов В.Г. Культура гостинично-туристического сервиса: учебное пособие. - Ростов н/Д: Феникс, 2008. – 503 с.

<sup>5</sup> Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. — Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. — с. 415.; Тухлиев И. С. и другие «Туризм: теория и практика». Учебник, Ташкент, 2018. - 405 с.; Пардаев М.Қ. Экологик туризм асослари. – Тошкент: Наврўз нашриёти, 2015. 95-б; М.Э.Пўлатов, Қ.Ж.Мирзаев ва бошқалар Глобал иқтисодий ривожланиш (Туризм иқтисодиёти).- «Fan va texnologiya», 2018.-308б; Б.Н.Наврўз-зода «Международный туризм и гостеприимство в эпоху цифровых технологий» 2015г; стр 172–190; Қ.Ж. Мирзаев ва бошқалар Инновацион иқтисодиёт.Ўқув қуланма-Тошкент 2020, -298бб.; D. Aslanova International experience of agro-eco tourism development- American Journal of Economics and Business, 2019; Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида). Докторлик диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2017. – 95 б.; Ҳошимов М. Ўзбекистон экологик туризми.Самарқанд, 2009.-220б.; Ҳамидов О. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмини такомиллаштириш. и.ф.д. дисс. автореф. – Самарқанд, 2017.; Б.Ш. Сафаров «Совершенствование экономического механизма регионального рынка туристических услуг» Монография-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013й.; Алымов А. К. Коракалпоғистон Республикасида экологик туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари. (PhD) фалсафа доктори.дисс.автореф Самарқанд, 2018; Эштаев А.А. Туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси.-Т.: «Фан», 2011.-280 б.; Ибадуллаев Н.Э. Туристтик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари (Самарқанд вилояти мисолида). и.ф.н. дисс. автореферати. Самарқанд, 2010.

**Тадқиқотнинг мақсади** бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида экотуризм хизматларини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

«экологик туризм хизматлари» категориясини моҳиятини назарий жиҳатдан таҳлил этиш ҳамда муаллиф қарашларини шакллантириш;

туризм хизматларини кўрсатиш тизими ва экологик туризмни ривожлантиришнинг илмий-назарий масалаларини кўриб чиқиш;

экологик туризм хизматларини кўрсатиш самарадорлигини баҳолашнинг методологик асосларини тадқиқ этиш;

экологик туризм хизматларини кўрсатишга доир хорижий тажрибалардан республика иқтисодиётида фойдаланиш йўналишлари тадқиқ этиш;

Самарқанд вилоятида экологик туризм хизмат кўрсатиш турларининг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш тенденцияларини ишлаб чиқиш;

экологик туризм хизматлар бозорини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини тадқиқ этиш;

экологик туризм хизматлари самарадорлигини оширувчи омиллар ва улардан самарали фойдаланиш йўналишларини аниқлаш ва таҳлил қилиш;

экологик туризм хизматларини ривожлантириш ва уларни шакллантиришнинг асосий концептуал йўналишларини белгилаб олиш;

вилоятдаги экотуризм кластерларни шакллантиришнинг ташкилий тузилмасини илмий асослаш ва уларни самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган экотуризм субъектлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Самарқанд вилоятида экологик туризмни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари** сифатида илмий абстракция, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, SWOT таҳлили, тизимли таҳлил, эконометрия, кузатиш, қиёслаш, корреляция, регрессия, статистик ва иқтисодий таҳлил усулларидан фойдаланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

«экологик туризм хизматлари» тушунчасининг моҳияти соҳа субъектлари жозибadorлигига бевосита таъсир этувчи экотуризм дестинациясига мос миллий маданият ва ҳудудий анъаналарига устуворлик бериш услубий ёндашувига кўра такомиллаштирилган;

экотуристик фаолиятнинг ташкилий-иқтисодий самарадорлиги ( $K_{TIC}$ ), туристик объектлар самарадорлиги ( $K_{TOC}$ ) ва хизмат кўрсатиш сифати ( $K_{XKC}$ )ни ифодаловчи кўрсаткичлар гуруҳлари ўртасидаги нисбат меъёрларини таъминлаш орқали ҳудудда экологик туризмни ривожлантириш имкониятлари асосланган;

экологик туризм соҳасида вилоятга ташриф буюрувчи сайёҳларни тизимли жойлаштириш, уларга юқори сифатли транспорт ва ахборот-логистик хизматларни кўрсатиш ҳамда ялпи ҳудудий даромадни ошириш

имкониятини яратувчи «Ҳазрати Довуд» экотуризм ҳудудий кластери таклиф этилган;

Самарқанд вилоятида экотуризм хизматлари самарадорлигини ошириш имкониятларини комплекс баҳолаш бўйича рақобатбардош экологик туризм хизматларини кўрсатиш даражасини таъминлаш имкониятини берувчи соҳанинг 2022-2025 йилларга мўлжалланган прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ҳудудий экологик туризм хизматлари бозорининг минтақада экологик туризм соҳасидаги ички захиралар ва имкониятларни, сайёҳларнинг талаб ва таклиф эҳтиёжларини қондириш каби сегментларини ҳисобга олган ҳолда ташкилий тузилмаси таклиф этилган;

сўровнома усулидан фойдаланган ҳолда, Самарқанд вилоятида экотуризм хизматларидан олинадиган даромадни ошириб боришнинг экотуризм масканларида шароитларни яхшилаш, экотуризм инфратузилмасини тубдан ўзгартириш ва соҳага йирик инвестицион лойиҳаларни жалб этиш бўйича ички имкониятлари очиқ берилган;

экотуризм ҳудудий кластерининг илмий асосланган ташкилий-иқтисодий тузилмаси янги иш жойларини шакллантириш, инфратузилма объектлари фаолиятини тизимли йўлга қўйиш ҳамда ташриф буюрувчиларни руҳий ва маънавий қониқишини таъминлаш бўйича амалий таклифлар берилган;

вилоятда экотуризм хизматлари самарадорлигини ошириш имкониятларини комплекс баҳолаш жиҳатларини ўзида мужассам этган мезон ва маълумотлар асосида прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги.** Таҳлил жараёнида Бутунжаҳон туризм ташкилоти, Туризм ва саёҳатлар бўйича Жаҳон Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Самарқанд вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ва илмий асосланганлиги, ишда келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги, муайян илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳудуд экологик туризмни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий, илмий-услубий натижалари бўйича олинган илмий хулосаларидан ушбу йўналишга оид методологик-услубий аппаратни, алоҳида олинган минтақаларда экологик туризм хизматлари самарадорлигини оширишнинг иқтисодий асосларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан экологик туризм соҳасини ривожлантириш бўйича давлат дастурлари, прогнозлар ва бошқа ҳужжатларни тайёрлашда, шунингдек

“Туризм менежменти”, “Туризм иқтисодиёти” каби фанлар бўйича ўқув қўлланмалар ишлаб чиқишда, ишчи ўқув дастурлар тайёрлашда, луғатлар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Экологик туризмни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«экологик туризм хизматлари» тушунчасининг моҳияти соҳа субъектлари жозибадорлигига бевосита таъсир этувчи экотуризм дестинациясига мос миллий маданият ва ҳудудий анъаналарига устуворлик бериш услубий ёндашувга кўра такомиллаштирилган таърифи бакалаврият 5610300-«Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)» талабалари учун мўлжалланган «Менежмент туризма» ўқув қўлланмаси мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 25 декабрдаги 538-621-сон гувоҳномаси). Мазкур илмий натижа бўйича «экологик туризм хизматлари» тушунчасининг иқтисодий мазмуни соҳанинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик мезонларига мос бўлганлиги боис экотуризмда янгича ёндашувни шакллантириб, ўқитиш сифатини юқори даражага кўтаришга имкон берган;

экотуристик фаолиятнинг ташкилий-иқтисодий самарадорлиги ( $K_{TIC}$ ), туристик объектлар самарадорлиги ( $K_{TOS}$ ) ва хизмат кўрсатиш сифати ( $K_{XKS}$ )ни ифодаловчи кўрсаткичлар гуруҳлари ўртасидаги нисбат меъёрларини таъминлаш орқали ҳудудда экологик туризмни ривожлантириш имкониятларини ҳисобга олиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 828-сон “Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида белгиланган “Йўл харитаси”нинг 2-иловасидаги 49- ва 50-бандлари асосида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 21 ноябрдаги 04-18/6934-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида илмий асосланган кўрсаткичлар тизими алоҳида олинган экотуризм хизматлар самарадорлигини аниқлаш ва туризмнинг бошқа соҳалари билан таққослаш имконини беради ҳамда ўтказилган онлайн-сўровнома натижаларига кўра Самарқанд вилоятида мавжуд экотуризм масканларида экотуризм инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда йирик инвестицион лойиҳаларни жалб этиш ва натижада соҳадан 19 фоиз қўшимча даромад олиш илмий асосланган;

экологик туризм соҳасида вилоятга ташриф буюрувчи сайёҳларни тизимли жойлаштириш, уларга юқори сифатли транспорт ва ахборот-логистик хизматларни кўрсатиш ҳамда ялпи ҳудудий даромадни ошириш имкониятини яратувчи «Ҳазрати Довуд» экотуризм ҳудудий кластери шакллантириш бўйича таклифлари Вазирлар Маҳкамасининг “Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 30 сентябр

2019 йил 828-сонли қарорида белгиланган “Йўл харитаси”нинг 2-иловасидаги 49-банди асосида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 21 ноябрдаги 04-18/6934-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга қўлланилиши алоҳида олинган ҳудудларда экотуризм фаолиятини тизимли мониторинг қилиш имкониятини яратувчи кузатув кенгашини ўз таркибига олган ташкилий-иқтисодий тузилмага мос экотуризм ҳудудий кластернинг юқори самара бериш имконияти илмий асосланган. Мазкур таклифни амалга ошириш натижасида ҳудудда экотуризмдан олинган даромаднинг 15,1 фоизга ортишига имкон яратилган;

Самарқанд вилоятида экотуризм хизматлари самарадорлигини ошириш имкониятларини комплекс баҳолаш бўйича рақобатбардош экологик туризм хизматларини кўрсатиш даражасини таъминлаш имкониятини берувчи соҳанинг 2022-2025 йилларга мўлжалланган прогноз параметрларидан вилоятда экотуризмни ривожлантиришнинг истиқбол кўрсаткичларини ўзаро мувофиқлаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 21 ноябрдаги 04-18/6934-сонли ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигининг 2022 йил 26 октябрдаги 06-06/869-сонли маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида 2022 йилдан 2025 йилгача экотуризмдан олинган даромадлар ўсиш тенденциясига эга бўлиб, агар 2022 йилда экотуризм даромади 22,32 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2025 йилга бориб бу кўрсаткич Самарқанд вилоятида 24,18 млрд. сўмдан иборат бўлиши прогноз қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 16 та, жумладан 7 та республика ва 9 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан, 1 та ўқув қўлланма, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 4 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 150 бетни ташкил этди.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот

натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Экотуризм хизматлар кўрсатиш тизимини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида туризм хизматларини кўрсатиш тизимида экологик туризмни ривожлантиришнинг илмий-назарий масалалари, экологик туризм хизматлари кўрсатиш самарадорлигини баҳолашнинг методологик асослари, экологик туризм хизматлари кўрсатишга доир хорижий тажрибалардан республика иқтисодиётида фойдаланиш йўналишлари тадқиқ этиш имконияти ёритилган.

Туризм соҳасида бугунги кунда жадал ривожлантириш жараёни туристик ҳудудни тавсифловчи назарий ёндашувларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этишни, айниқса унинг асосий турларидан бири экологик туризмни чуқур ўрганишни тақозо этади. Экологик туризмнинг мазмуни ва моҳияти бўйича биринчи бўлиб мексикалик иқтисодчи-эколог Гектор Цебаллос-Ласкурейн 1983 йилда ўз тадқиқотлари натижасини билдирган эди. Унинг фикрига кўра, «Экологик туризм – бу флора ва фаунани ўрганиш ва табиат билан танишиш, дам олиш қувончини ва табиатга ёрдам бериш имкониятларини билдиришга асосланган саёҳатдир<sup>6</sup>». Шунингдек, бошқа соҳа мутахассислари «экологик туризмнинг асоси атроф-муҳит ғамхўрлиги ва муҳофазасидир»<sup>7</sup> деб ҳисоблашган.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти томонидан берилган таърифига кўра «экотуризм - табиат туризмнинг барчасини ўзида мужассамлаштириб, табиий ҳудудларга маъсулият билан саёҳат қилиш натижасида табиатни муҳофаза қилишни таъминлайди ва маҳаллий халқнинг турмуш даражасини яхшилади»<sup>8</sup> дейилади.

Айниқса, бу борада Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш концепциясида алоҳида ёндашув мавжуд бўлиб, унга кўра - «экотуризм дейилганда нафақат маърифий-маънавий мақсадларни кўзлаган экзотик табиий ҳудудларга, уларнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига саёҳат, балки ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг амалга оширилиши ёрдамида экология муаммоларини ҳал қилиш билан бир-бирига мажмуалар йиғиндиси тушунилади» деб эътироф этилган<sup>9</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, «экологик туризм хизматлари» тушунчасининг моҳиятини тавсифловчи такомиллашган таърифларини ишлаб чиқиш, соҳада янги имкониятларни юзага келтиради.

Бизнинг фикримизча, туризм хизмати – бу хизмат кўрсатишнинг алоҳида тури, бўлиб инсонларнинг маълум мақсадлар асосида ва узоқ

<sup>6</sup> Ceballos-Lascurain, H. (1987). Estudio de Prefactibilidad Socioeconomica del Turismo Ecologico y Anteproyecto Arquitectonico y Urbanístico de Centro de Turismo Ecologico de la Reserva de la Biostera Sian Ka'an, Quintana Roo. Mexico: StudymadeforSEDUEMexico

<sup>7</sup> Гужин Г. С, Беликов М. Ю, Клименко Е. В. Менеджмент в иностранном и внутреннем туризме. - Краснодар: Изд-во Кубанского государственного университета, 1997.

<sup>8</sup> <https://www.unwto.org/glossary-tourism-terms>

<sup>9</sup> <http://e-library.namdu.uz>

бўлмаган муддатда (икки кундан кам бўлмаган ва бир йилдан ошиб кетмаган вақтда) бир манзилдан иккинчи манзилга сайёҳат қилиш фаолияти жараёндан иборат. Бугунги кунда туризм хизмати бир неча турларга бўлиниб, улар орасида экологик туризм, яъни экотуризм хизмати алоҳида ўринга эга.

Тадқиқот ишида соҳа олимлари, мутахассислари фикрлари ҳамда соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда баён этилган фикрларни ҳисобга олиб, экологик туризм хизматларининг моҳиятини ифодаловчи муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди. Экологик туризм хизмати – бу туризм хизмати тури бўлиб соҳа субъектлари жозибадорлигига бевосита таъсир этувчи экотуризм дестинациясига мос миллий маданият ва ҳудудий анъаналари устуворлигини кўзлаган ҳолда амалга ошириладиган сайёҳларга хизмат кўрсатишдан иборатдир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, республика табиий иқлим шароитларининг мавсумийлиги, турли хил табиий минтақаларнинг мавжудлиги, флора ва фаунанинг хилма-хиллиги экотуризмларнинг экотур ресурсларини ва объектларини танлашга янги имконият яратади. Булар қуйидагиларда ўз аксини топади:

- биринчидан, республикада экологик туризмда экотуризмни жалб эта олиш жозибадорлигига эга бўлган миллий паркларимиз ва давлат табиий кўриқхоналаримиз мавжуд имкониятларидан кенг фойдаланиш;

- иккинчидан, халқаро экологик туризм моделларининг қўлланилиши тажрибасидан маълумки, мазкур амалиётни жорий этаётган давлатлар ўз ҳудудларидаги миллий парклар ва давлат муҳофазасидаги табиий кўриқхоналарда экологик туризмни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқадилар. Бу эса республикамиз миқёсида ушбу йўналишда чуқур тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади;

- учинчидан, экологик туризмни ривожлантираётган давлатлар ўз давлатлари ҳудудларида алоҳида муҳофаза қилинмайдиган табиий ҳудудлари бўйича ҳам экологик туризмни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқадилар. Шунинг учун «ёввойи табиатга» саёҳат қилишга оид алоҳида ҳудудларни ўрганиш экологик туризмда муҳим ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларига кўра, жаҳон амалиёти қуйидаги йўналишларда Ўзбекистон Республикасида экотуризм соҳани ривожлантиришга янги имкониятларни белгилаб беради:

- экологик туризмнинг инвестицион жозибадорлигини (маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда) ошириш;

- миллий ва халқаро экологик қонунчилик талабларига мос келадиган экотуризм инфратузилмасини ривожлантириш;

- потенциал экотуризмлар орасида табиатни асраш ва экотуризм объекти жойлашган маҳаллий аҳолининг урф-одатларини ҳурмат қилиш зарурлиги ҳақида тарғибот ишларини олиб бориш;

- экотуризмни табиат мўъжизалари билан уйғунлашган зиёрат туризми билан биргаликда ривожланишига алоҳида устувор аҳамият бериш ҳисобланади.

Республикамизда экологик туризмни ривожлантириш бўйича сайёҳлик имкониятлари жуда хилма-хилликка бой. Айниқса, Республикамизда Самарқанд худудида экотуризмга алоҳида эътибор қаратилди. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, экотуризм жаҳон ҳамжамияти ва маҳаллий ҳокимият орган вакилларининг диққатини, минтақанинг экологик муаммоларига жалб қилиш орқали табиий муҳитни сақлаб қолиш имконияти мавжуд.

Экологик туризм самарадорлигини ҳисоблаш иқтисодий фаолиятдан олинган даромад билан харажатларни солиштириш йўли орқали амалга оширилади. Экотуризм корхоналарнинг хўжалик фаолиятининг якуний натижаси бу экотуризм маҳсулотни яратиш ёки кўрсатиладиган экотуризм хизматлар, яъни янгидан яратилган қиймати ҳисобланади.

Экотуризмни иқтисодий самарадорлик фаолиятини тавсифловчи ва соҳани ривожлантириш даражасини характерловчи турли хил кўрсаткичлари орқали намоён бўлади. Мазкур кўрсаткичлар таркибига: кўрсатиладиган хизматлар ҳажми, олинган фойда миқдори, рентабеллик, ресурсларни тежаш, меҳнат унумдорлиги ва бошқа шу каби кўрсаткичлар киради.

Экотуризм корхоналарнинг ижтимоий самарадорлиги иш ҳафтасининг давомийлигини қисқартириш, янги иш ўринлари сонини кўпайтириш, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш билан ифодаланади. Экотуризм корхонасидаги барча таркибий бўлинмалар самарадорлигини керакли даражада ошириш, бу умуман бутун экотуризм корхона самарадорлигининг ошишига олиб келади. Экотуризм корхоналар фаолият самарадорлигини ошириш муаммосининг моҳияти ҳар бир харажат бирлиги учун кўрсатиладиган экотуризм хизматлар ҳажмини ёки ундан олинган фойдани максимал даражада оширишга эришиш билан белгиланади.

Туризмнинг айниқса, экотуризмни алоҳида индустрия сифатида шаклланиши ва ривожланиши экотуризм хизматларни амалга оширишнинг миқдорий ҳажмини ва уларнинг сифат томонларини, шунингдек экотуризм тадбиркорлик субъектларининг хизмат кўрсатиш фаолиятининг иқтисодий ўзгариш даражасини акс эттирувчи маълум иқтисодий кўрсаткичлар тизими билан тавсифланади.

Хорижий давлатлар тажрибасига кўра жаҳон экотуризмнинг асосий маскани ҳозирги вақтда миллий паркларнинг 5 та модели бор. Бу моделларнинг алоҳида-алоҳида модел сифатида «америка модели», «европа модели», «парк резерват модели», «осиё модели», «австралия модели» ажратилиши ўзига хос хусусиятлари ҳамда Ўзбекистонда қўллаш мумкин бўлган жиҳатлари асосланган. Мазкур тажрибани қўлланилиши республикамизда ички салоҳият ва имкониятлардан келиб чиқиб экотуризмни ривожлантириши ва янги иқтисодий тараққиёт имкониятига эгалигидан далолат беради.

Экотуризм самарадорлигини ошириш имкониятини очиб бериш ҳамда экологик туризм фаолиятини баҳолаш учун хизматлари самарадорлиги кўрсаткичларини илмий асослаш ва улар услубиятини такомиллаштириш юқори иқтисодий натижа беради (1-жадвал).

**Экологик туризм хизматлари самарадорлигини ифодаловчи  
кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш йўллари<sup>10</sup>**

№	Экологик туризм хизматлари самарадорлиги кўрсаткичлари	Аниқлаш тартиби	Мазмуни
1.	Экотуризм фаолиятининг ташкилий-иқтисодий самарадорлиги	$K_{\text{тис}} = \frac{\sum \text{ТИФ}}{\text{МФХ}}$ $K_{\text{тис}}$ -экотуризм фаолиятининг ташкилий-иқтисодий самарадорлиги; $\sum \text{ТИФ}$ -экотуризм ташкилий-иқтисодий фаолиятнинг умумий киймати; $\text{МФХ}$ -экотуризмнинг меъёр асосида фаолият харажатлари	экотуризм ташкилий иқтисодий фаолиятининг умумий кийматига тўғри келадиган экотуризм хизматларида фаолият харажатлар ҳажми
2.	Экотуризм объектларидан фойдаланиш самарадорлиги	$K_{\text{тос}} = \frac{\sum \text{ХЭТ}}{\text{Хс}}$ $K_{\text{тос}}$ -экотуризм объектларидан фойдаланиш самарадорлиги; $\sum \text{ХЭТ}$ —жами экотуризм хизматлар ҳажми, сўм $\text{Хс}$ -экотуризм объектлар сони	битта экотуризм объектига тўғри келадиган экотуризм хизматлар ҳажми
3.	Экотуризмда хизмат кўрсатиш сифати самарадорлиги	$K_{\text{хкс}} = \frac{\sum \text{ХЭТ}}{\text{ЭТс}}$ $K_{\text{хкс}}$ - экотуризмда хизмат кўрсатиш сифат самарадорлиги; $\text{ЭТс}$ -экотуризмда белгиланган меъёрлар асосида кўрсатилган юқори сифатли хизматлар ҳажми	1 сўмлик жами экологик туризм хизматини кўрсатишга тўғри келадиган сифатли хизматлар ҳажми
4.	Экотуризм оқим ҳажми самарадорлиги	$K_{\text{ох}} = \frac{\sum \text{ДЭТ}}{\sum \text{ХЭТ}}$ $K_{\text{ох}}$ -экотуризм оқим ҳажми самарадорлиги, сўм; $\sum \text{ДЭТ}$ -экотуризмдан олинган даромад, сўм;	1 сўмлик экотуризм оқимига кўрсатиладиган хизматларга тўғри келадиган даромад
5.	Экотуризм хизматлари рентабеллиги	$R_{\text{эт}} = \frac{\Phi_{\text{эт}}}{\sum \text{ХЭТ}}$ $R_{\text{эт}}$ —экотуризм хизматлари рентабеллиги; $\Phi_{\text{эт}}$ —экотуризмдан олинган соф фойда	1 сўмлик экотуризм хизматга тўғри келадиган соф фойда
6.	Экотуризмда инвестиция самарадорлиги	$K_{\text{СИ}} = \frac{\sum \text{ДЭТ}}{\sum I}$ $K_{\text{СИ}}$ -экотуризмда инвестиция самарадорлиги $\sum \text{ДЭТ}$ -экотуризмдан олинган даромад $\sum I$ - экотуризмга киритилган жами инвестиция киймати	1 сўм инвестиция маблағларига тўғри келадиган экотуристлик олинган тушум/даромад

Юқоридагилардан келиб чиқиб, экологик туризм самарадорлигини ошириш бир қатор ўзига хос ёндашувни талаб этади. Бу тадқиқот ишида юқоридаги кўрсаткичлар асосида илмий асосланди.

Диссертациянинг «**Экологик туризмни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш ташкилий-иқтисодий асослари**» деб номланган иккинчи бобида Самарқанд вилоятида экологик туризм хизмат кўрсатиш турларининг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш тенденциялари, экологик туризм хизматлар бозорини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари ҳамда экологик туризм хизматлари самарадорлигини оширувчи омиллар ва улардан самарали

<sup>10</sup> Муаллиф ишланмаси

фойдаланиш йўналишлари бўйича илмий-амалий ва илмий-услубий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таъкидлаш жоизки, экологик туризм туризм соҳасининг тез ривожланиб бораётган соҳаларидан бири сифатида жаҳон туризмида устивор аҳамиятга эга. БМТ Бутунжаҳон туризм ташкилоти маълумотларига кўра, «сўнгги йилларда глобал туризм саноатининг умумий ҳажмида экотуризм улуши 10 фоиздан ошди ва унинг ўсиш суръати бутун сайёҳлик саноатидаги тегишли кўрсаткичларга нисбатан 2-3 барабар юқоридир»<sup>11</sup> деб эътироф этилмоқда.

Умуман олганда, экотуризм туризмнинг бошқа турларидан алоҳида ажралиб турадиган хусусиятларга эга. Тадқиқот жараёнида экотуризм хусусиятларини ҳисобга олиш натижасида республикада, хусусан Самарқанд вилоятида экотуризм соҳасини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш имкониятлари илмий асосланди.

Самарқанд вилоятида экотуризм соҳаси ривожланиш тенденциясига эга бўлиб, коронавирус пандемияси экотуризмнинг тараққиётига 2020 йилда сезиларли салбий таъсир кўрсатди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Самарқанд вилоятида экотуризм соҳасининг ривожланиш динамикаси<sup>12</sup>

№	Кўрсаткичлар	Йиллар						2020 йил 2015 йилга нисбатан ўзгариши, (+,-)
		2015	2016	2017	2018	2019	2020	
1.	Вилоятга ташриф буюрган жами экотуристлар сони, киши	35043	54925	80497	127712	177843	34123	-920
2.	Экотуризм соҳасида ишловчи ходимлар, киши	1047	1118	1232	1964	2907	897	-150
3.	Экотуризм субъектлар сони (бирлик)	23	26	35	44	115	93	70
4.	Экотуризм субъектлардан олинган даромад, млрд.сўм	5,8	11	13,29	14,15	22,69	13,6	7,8

2-жадвалдан кўриниб турибдики, 2015 йилдан 2019 йилгача экотуризм мақсадида саёҳат қилган туристлар сони жадал суръатларда ўсиши экотуризм соҳасида фаолият юритувчи ходимлар сони, экотуризм субъектлар сони, субъектлар даромадлари ҳам ушбу даврда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Таҳлиллар натижасида, 2020 йилда юз берган пандемия натижасида барча кўрсаткичлар 2015 йилга нисбатан пасайган. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган туризм соҳасини асраб қолишга қаратилган тегишли қарорлар ва чора-тадбирлар натижасида экотуризм фаолияти билан шуғулланувчи субъектларнинг катта қисмини республикамизда сақлаб қолишга эришилган.

Тадқиқот давомида Самарқанд вилоятида экотуризм хизматларидан олинган даромадлар динамикаси ўрганилди (1-расм).

Бунда 2015 йилдан 2019 йилгача экотуризм хизматлардан даромад ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлган бўлса, 2020 йилга келиб коронавирус пандемиясининг салбий оқибатлари сабабли ялпи туризмдан даромадлар

<sup>11</sup> Ecotourism in Uzbekistan: prospects and opportunities. July 18, 2018.

<sup>12</sup> Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ҳажми деярли уч баробар, экотуризм хизматлардан даромад эса 2019 йилдагига нисбатан 60 фоизга пасайган.



**1-расм. Самарқанд вилоятида экотуризм ва ялпи туристик хизматлардан олинган даромадлар динамикаси<sup>13</sup>**

Экотуризм хизматлардан олинган даромад 2019 йилда ўзининг энг юқори нуқтасига эришиб, 22,69 млрд. сўмни ташкил қилган. Шу йилда 70дан ортиқ давлатларга визасиз режимнинг жорий қилиниши, туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва транспорт тармоқларини модернизациялаш ва монополиядан чиқариш бўйича қилинган иқтисодий ислохотларнинг натижаси сабабли ушбу натижага эришилган.

Самарқанд вилоятидаги экотуризм масканларининг шарт-шароитларни баҳолаш мақсадида 158 нафар маҳаллий аҳолидан сўровнома ўтказилди. Сўровнома натижаларига кўра (сўровномада қатнашганлардан: эркаклар (70,3 фоиз), аёллар (29,7 фоиз)) 43,2 фоиз респондентлар экотуризмга нисбатан юқори қизиқишини билдириши аниқланган (фақатгина 1,3 фоиз респондент қизиқмаслигини эътироф этган). Натижада, Самарқанд вилоятида экотуризм объектларига бўлган қизиқиш юқори эканлиги, экотуризм ривожланиши ва самарадорлигини ошириш зарурлиги ҳамда экотуризм инфратузилмасини тубдан ўзгартириш ва соҳага йирик инвестицион лойиҳаларни жалб этиш кераклиги илмий асосланган.

Тадқиқот натижаларига кўра, Самарқанд вилоятида экотуризмни ривожлантириш учун қулай экотуризм ҳудуд сифатида турли йўналишлар бўйича ички имкониятлари очиб берилди. Жумладан, саргузаштни хоҳловчи экотурист саёҳлар учун «Зарафшон миллий боғи», «Омонқўтон-Тахтақарача» дараси, агро-экотуризм йўналиши бўйича «Анжирзор», «Chinaras» каби масканлар, миллий ҳунармандчилик ва тарихий урф-одатлар билан маҳаллий шарт-шароитларни уйғунлашгани бўйича «Konigil House», «Миллий кулолчилик буюмлари устахонаси» каби экотуризм субъектларидан, айниқса экозиёрат туризмни ўзида мужассам этган жозибадор «Ҳазрати Довуд» ғори каби экотуризм масканларда саёҳатларни ташкил қилиш имкониятлари мавжуд.

<sup>13</sup> Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Таъкидлаш жоизки, ишда Самарқанд вилояти бўйича алоҳида ҳудудий хусусиятга эга экологик туризм бозорининг таркибий тузилмаси тадқиқ этилган. Экотуризм хизматлари бозори бу – экологик туризм хизматларига талабни тақдим этувчи харидорлар (экотуризм хизмат истеъмолчилари) ва экологик туризм маҳсулотлари (хизмат турларини таклиф қилувчилар) билан таъминловчилар-сотувчилар ўртасидаги бозор муносабатларидан иборат.

Тадқиқот натижаларига кўра, Самарқанд вилояти экотуризм хизматлар бозори минтақа хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда экотуризм маҳсулотнинг истеъмолчиси эҳтиёжини таъминлайди ва айти пайтда истеъмолчига экотуризм хизматини кўрсатишни амалга оширади.

Самарқанд вилоятида ҳудудий экотуризм хизматлари бозорини ривожлантириш бўйича маркетинг тадқиқотлари SWOT таҳлили усули ўтказилиб, унинг кучли, заиф томонлари, экотуризм бозорини ривожлантириш имкониятлари ва таҳдидлар асосида аниқланди. Тадқиқот натижасига кўра, вилоят экотуризм бозорига таъсир этувчи омиллар орасидан заиф томонлар ҳамда экотуризм бозорига таҳдидлар алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги илмий асосланди.

Тадқиқот ишида, Ўзбекистоннинг, хусусан Самарқанд вилоятининг ўзига хос табиати ва тарихи туризм учун жуда катта имкониятларини ҳисобга олиб экотуризмнинг ривожланишига таъсир этувчи омилларни қуйидаги гуруҳга бўлиш, яъни ижтимоий, иқтисодий ва атроф-муҳит билан боғлиқ омилларга ажратилиши илмий асосланди.

Қуйидаги жадвалда Самарқанд вилоятида экотуризм ривожланишига таъсир этувчи омиллар динамикаси келтирилган (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Самарқанд вилоятида экологик туризм ривожланишига таъсир этувчи омиллар динамикаси<sup>14</sup>

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					
		2015	2016	2017	2018	2019	2020
1.	Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот, минг сўм $X_1$	4359,8	5279,8	6025,9	6922,0	8151,7	9597,7
2.	Хорижий инвестициялар (туризм соҳаси бўйича) улуши, %да $X_2$	4,0	2,2	2,8	4,7	27,8	27
3.	Туризм соҳасида банд бўлган ходимлар сони, киши $X_3$	9762	9691	8575	10375	10716	5941
